

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЯКУБОВ АБДУЛАЗИЗ АБДУЖАББАРОВИЧ

**РОЗАЦЕАНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА КЛИНИК-ГЕНЕТИК ВА
БИОХИМИК МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Якубов Абдулазиз Абдужаббарович

Розацеанинг ривожланишида клиник – генетик ва биохимик

механизмлари ва даволаш усулини такомиллаштириш 3

Якубов Абдулазиз Абдужаббарович

Клинико-генетические и биохимические механизмы

развития розацеа и совершенствование метода терапии 21

Yakubov Abdulaziz Abdujabbarovich

Clinical-genetic and biochemical mechanisms of rosacea

development and improvement of the therapy method 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЯКУБОВ АБДУЛАЗИЗ АБДУЖАББАРОВИЧ

**РОЗАЦЕАНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА КЛИНИК-ГЕНЕТИК ВА
БИОХИМИК МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4. PhD/Tib 567 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаш-тирилган.

Илмий раҳбар:

Сабилов Улугбек Юсупханович,
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Маннанов Абдушукур Маликович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мухамедов Рустам Султанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Тиббиёт Академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: tashpmi@mail.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов,
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Қ. Н. Хаитов,
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт
фанлари доктори

Д. И. Ахмедова,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда дерматокосметологик патологиялар орасида розацеа энг кенг тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади ва бу касаллик билан касалланганлар сони сўнгги йилларда тобора ортиб бормоқда. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан берилган маълумотларга кўра «...розацеа барча дерматозларнинг 5% ини ташкил этади ва тери патологиялари ичида еттинчи ўринни эгаллайди»¹. Замонавий қарашларга кўра «...розацеа барча этник гуруҳ вакиллари орасида учрайди, энг юқори кўрсаткич оч рангли терига эга инсонларда кузатилади, ўртача 40–50 ёшдаги шахслар ва аёлларда эркакларга нисбатан кўпроқ қайд этилади. 50% гача беморларда оилавий розацеа ва 5% ҳолатда кўзнинг зарарланиши – офтальморозацеа учрайди»². Популяцияда учраш частотаси юқорилиги, касалланиш даражасининг, айниқса, меҳнатга лаёқатли шахслар орасида ўсиши, тез-тез қайталаниши, этиопатогенетик механизмлари ўрганилмаганлиги, даволашнинг самарали усуллари яратилмаганлиги розацеа муаммосини ўрганишнинг долзарб аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Жаҳонда розацеа касаллигининг этиопатогенезини аниқлаш, эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида этибор қаратилмоқда. Бу борада розацеа ривожланишида муҳим ҳисобланган хавф омилларини ўрганиш; касалликка дахлдор генетик маркерларни аниқлаш; генотипик вариантларининг турли популяцияларда касаллик шаклланиши ва клиник кечишидаги аҳамиятини баҳолаш; даволаш усуллари такомиллаштириш; молекуляр-генетик тадқиқотлар ва биокимёвий текширувларга асосланган ҳолда даволаш тадбирларини белгилаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда айни дамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикалаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»³га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу

¹United Nations, 2017. www.who.int/maternal

²Rainer B.M., Fischer A.H., Luz Felipe da Silva D., Kang S., Chien A.L. Rosacea is associated with chronic systemic diseases in a skin severity-dependent manner: results of a case-control study. *J Am Acad Dermatol.*, 2015. 73:604-8.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон ««Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида турли тери касаликлари тарқалишининг олдини олиш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, замонавий технологияларни қўллаш усулларини такомиллаштириш орқали касаллик асоратларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Розацеа ривожланишининг этиологияси ва патогенезини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, улардан олинган натижалар бир-бирига қарама-қаршилигича қолмоқда. Сўнгги йилларда оксидловчи стресснинг розацеа патогенезидаги иштироки олимлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Липид ва антиоксидант тизимнинг пероксидланиш ҳолати организмдаги оксидланиш стрессининг кўрсаткичлари сифатида ўрганилган, бироқ ушбу касалликда азот оксиди (NO) даражаси етарлича ўрганилмаган. Азот оксидининг қон томирлар бўшашиши, кенгайиши (вазодилатацияси) ва янги қон томирлари пайдо бўлиши (ангиогенез) жараёнини ишга тушириши ҳисобга олинганда унинг розацеа шаклланиши ва клиник кечишига таъсир қилиши мумкинлиги тушунарли бўлади (Сайдалиева В.Ш., 2012; Tsuji S., Kawano S., Tsujii M. ва бошқ., 1996; Vaz K., Cimen M.Y., Kокturk A. ва бошқ., 2004; Gurer M.A., Erel A., Erbas D. ва бошқ., 2012).

Кўплаб тадқиқотчилар розацеа терапиясида ишлатиладиган тетрациклинларнинг ижобий таъсирини ҳисобга олган ҳолда металлопротеиназалар (ММР) ва серин протеазаларнинг розацеа патофизиологиясида иштирок этиши тўғрисидаги фаразни илгари суради. Ультрабинафша нурланиш ва эркин радикаллар кератиноцитлар ҳамда фибробластлардан ММР синтезини кучайтириши аниқланган. Айрим хорижий муаллифларнинг изланишларида беморлар терисида ММР–2 ва ММР–9 нинг кучли экспрессияси кузатилиши қайд этилган. Бундай кучли экспрессия розацеа билан оғриган беморларда ёндош касалликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Розацеа билан оғриган беморларда ММР аҳамиятини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлардан жуда кам маълумотлар

олинган ва уларнинг натижалари бир-бирига зиддир (Maatta M., Kari O., Tervahartiala T. et al., 2006; Yamasaki K., Gallo R.L. 2009).

Адабиётларда розацеа патогенезида айнан қайси цитокинлар иштирок этиши бўйича аниқ маълумотлар мавжуд эмас, амалга оширилган тадқиқотларда, асосан, зардобдаги яллиғланиш олди цитокинлари ўрганилган, аммо яллиғланишга қарши цитокинлар эътибордан четда қолган. Шу нуқтаи назардан яллиғланишга қарши цитокин генининг (IL-10) розацеа патогенезидаги аҳамияти, касалликнинг клиник кечишини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади (Слесаренко Н.А., Леонова М.А., Захарова Н.Б. ва бошқ., 2012; Steinhoff M., Buddenkotte J., Aubert J. et al., 2011; Yamasaki K., Gallo R.L. 2011). Шу нуқтаи назардан розацеа касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, хасталикнинг юзага келиши, ривожланиши ва уни даволаш самарадорлигини ошириш муаммоси дерматовенерология соҳасидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ташхислаш, даволаш ва профилактиканинг замонавий усуллари ишлаб чиқариш» (2017–2020) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади клиник-биокимёвий ва генетик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда розацеанинг клиник кечиши ва ривожланишини прогнозлашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва даволаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

розацеанинг клиник кечиши ва шаклланишида иштирок этувчи омилларни ўрганиш;

розацеа патогенезида яллиғланишга қарши цитокинлар генини (IL-10) полиморфизмини касаллик клиникасини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш;

розацеа ривожланиши ва унинг клиник кечишини ҳисобга олган ҳолда унинг металопротеиназа-9 ген полиморфизми билан ассоциациясини аниқлаш;

розацеали беморларда генетик маркерларнинг диагностик ва прогностик самарадорлигини баҳолаш;

розацеали беморларда касалликнинг клиник кечишини ҳисобга олган ҳолда азот оксиди ҳолатини ўрганиш;

розацеани даволаш услубини такомиллаштириш, даволаш самарадорлигининг биокимёвий кўрсаткичлар ва генетик полиморфизмга боғлиқлигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017–2019 йилларда Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази назоратида бўлган 107 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб биокимёвий ва молекуляр генетик тадқиқотлар учун веноз қон ва зардоб, биокимёвий тадқиқотлар учун терининг биоптат намуналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумклиник, молекуляр генетик, биокимёвий, микробиологик ва статистик тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор яллиғланишга қарши IL–10 цитокинини ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан кечадиган, IL–10 гени rs1800896 полиморфизми А/А генотипик вариантнинг ўзбек популяциясида розацеа юзага келиши ва клиник кечишига мойиллик таъсири мавжудлиги аниқланган;

илк бор Demodex folliculorum мусбат розацеанинг ривожланишида IL–10 гени rs1800896 полиморфизми А/А генотипининг сезиларли боғлиқлик борлиги исботланган;

илк бор розацеа билан оғриган беморларда Demodex folliculorum инфекциясининг ривожланишида MMP–9 гени rs11697325 полиморфизми А/А генотипик вариантнинг ҳимоя роли исботланган;

розацеа билан оғриган беморларда қон зардоб ҳамда зарарланган ўчоқда азот оксидининг миқдори ошганлиги, бу юқори ўзгариш касаллиқнинг клиник босқичлари давомийлиги ва оғирлик даражаси билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор розацеада ўтказилган даволаш самарадорлиги IL–10 гени rs1800896 полиморфизмининг генотиплар тақсимланиш частотасига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

розацеада генетик полиморфизмни ўрганиш натижаларидан касаллиқнинг клиник кечишини тахмин қилиш ва касаллиқнинг ривожланиш хавфи юқори бўлган гуруҳни аниқлашда фойдаланилган;

розацеада такомиллаштирилган даво усулининг самарадорлиги ўрганилаётган генлар полиморфизмининг генотипига боғлиқлиги исботланган;

биокимёвий кўрсаткичлар асосида розацеа билан касалланган беморларни даволашнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, молекуляр генетик, биокимёвий, микробиологик, статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти MMP–9 (rs11697325) ва цитокин IL–10 (rs1800896) генларининг аллел ва генотипик вариантлари частотаси

аниқланганлиги, розацеанинг шаклланиш сабабларини аниқлашда генетик детерминантлар спектрини кенгайтириш заруриятини асослашга имкон берувчи маълумотлар – юз териси томирлари зарарланишининг иммунопатогенезида MMP–9 ва IL–10 генлари полиморфизмининг роли бўйича янги маълумотлар олинганлиги, IL–10 rs1800896 полиморф маркер касалликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан ўзаро боғлиқлиги, ушбу полиморф локуснинг розацеа шаклланишида генетик мойилликдаги мустақил роли ва Demodex folliculorum мусбат розацеанинг патогенезида IL–10 цитокини rs1800896 полиморфизмининг муҳим аҳамият касб этиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти розацеанинг ривожланиши ва клиник кечишини тахмин қилиш, хавф гуруҳларини шакллантириш, самарали даволаш ва профилактика тадбирларини амалга ошириш, дерматозларга генетик мойилликнинг молекуляр асосини ўрганишда MMP–9 (rs11697325) ва IL–10 цитокин (rs1800896) генлари полиморфизми генотипларининг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлардан референт кўрсаткич сифатида фойдаланиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Генлар полиморфизми ва организмнинг клиник-биокимёвий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда розацеа касаллигини даволаш усулини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Азот оксиди миқдорини ҳисобга олган ҳолда розацеа касаллигини даволашнинг такомиллаштирилган усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 8н-р/452-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома розацеа касаллигининг қайталанишлари сонини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва беморларнинг даволаниш муддатини қисқартириш имконини берган;

розацеа касаллигининг клиник-генетик ва биокимёвий механизмларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти дерматовенерология ва косметология кафедрасининг ўқув жараёнига ҳамда Самарқанд ва Сирдарё вилоят тери-таносил касалликлари диспансерларининг клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 ноябрдаги 8н-д/261-сон маълумотномаси). Мазкур даволаш усулининг жорий этилиши даволаш самарадорлигини ошириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва даволаш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий сарф-харажатларни 1,8 баробар қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола,

жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Розацеа касаллигининг тарқалиши, этиологияси ва патогенези**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотлар асосида розацеанинг этиологияси ва патогенези ҳақидаги замонавий қарашларнинг назарий жиҳатлари, шунингдек, қондаги биокимёвий кўрсаткичлар, микробли омиллар, турли хил генлар ва цитокинларнинг генетик полиморфизми таҳлил қилинган ҳамда тизимлаштирилган. Розацеани даволашнинг замонавий методлари изоҳланиб, мазкур тери касаллигига доир бугунги кунга қадар ўз ечимини топмаган жиҳатларга тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг алгоритми, клиник материалнинг умумий тавсифи, розацеа билан оғриган беморларни даволаш самарадорлиги даражалари, шунингдек, тадқиқотнинг молекуляр-генетик, биокимёвий ва микробиологик методлари кўрсатилган.

Клиник кузатувлар остига розацеага чалинган 23 ёшдан 75 ёшгача бўлган жами 107 нафар бемор олинди. Беморларнинг 84 нафари аёллар (78,5%) ва 23 нафари эркаклар (21,5%) бўлиб, ўртача ёш $40,0 \pm 1,7$ ёшни ташкил этди. Уларнинг 65 нафари стационар шароитда, 42 нафари амбулатор даволанган. 107 та бемордан 45 таси шаҳар (42,1%), 62 таси қишлоқ (57,9%) аҳолиси. Розацеанинг давомийлик муддати беморларнинг 16 нафар (14,9%)ида – 3 ойдан 1 йилгача, 62 нафар (57,9%)ида – 1 йилдан 5 йилгача, 22 нафар (20,5%)ида – 6 йилдан 10 йилгача ва 7 нафар (6,5%)ида 11 йилдан кўп эканлиги аниқланди.

ММР–9 ва IL–10 генларининг генетик маркёрларини ўрганиш учун розацеа билан оғриган беморларнинг периферик қон лимфоцитларидан ажратилган ДНКнинг 101 та намунаси ва ўзбек миллатига мансуб бўлган, қариндош бўлмаган шартли соғлом донорларнинг (назорат гуруҳи) периферик қон лимфоцитларидан ажратилган ДНКнинг 85 та намунаси бўйича тадқиқот ўтказилди. Розацеа билан оғриган беморлар ва шартли соғлом донорларнинг периферик қонидан ДНК Маниатис Т. ва бошқалар (1984) қўлланмасида

тавсифланган услуб ҳамда ишлаб чиқарувчи йўриқномасига мувофиқ «РибоСорб» (Амплисенс, Россия) тижорат тўпламидан фойдаланилган ҳолда ажратиб олинди.

Demodex folliculorum розацеа билан оғриган беморлар терисидаги зарарланиш ўчоқларидан микробиологик усул ёрдамида аниқланди.

Қон зардоби ва патологик теридаги азот оксиди (NO)ни аниқлашда Голикова П.П. ва ҳаммуаллифлари усулидан фойдаланилди (2000).

Розацеа билан оғриган беморларда терининг фототиби Т.Фицпатрик (1987) бўйича ўрганилди.

Касалликнинг оғирлик даражаси В.П.Адаскевичнинг (2004) розацеани диагностик баҳолаш шкаласи (РДБШ) ёрдамида аниқланди.

Олинган тадқиқот натижалари ўртача арифметик қиймат (M), стандарт квадрат оғиш (σ), стандарт хато (m), нисбий қийматлар (частота, %)ни ҳисобга олган ҳолда амалий статистик таҳлил дастурлари тўпламидан фойдаланилган ҳолда статистик таҳлил қилинди. Ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стъюдент мезони (t) билан аниқланди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар учун $p < 0,05$ ишончлилиқ даражаси қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Розацеа касаллиги билан оғриган беморларнинг клиник тавсифи**» деб номланган учинчи бобида розацеали беморларнинг анамнестик, клиник тавсифлари таҳлил қилинган, шунингдек, шахсий клиник кузатувлар баён этилган.

Таҳлил давомида 93% беморларда розацеанинг бошланиши ёки кўзишини келтириб чиқарувчи омиллар аниқланди. Беморларнинг кўпчилиги (37 нафари, 34,6%) ўзларининг касаллигини атроф-муҳитнинг юқори изоляцияси ва ҳароратнинг ўзгариши билан, 16 нафари (14,9%) – неврологик касалликлар (стресс, ҳиссий стресс), 15 нафари (14,0%) – ҳайз циклининг бузилиши билан изоҳлади, 7 нафари (6,5%) касалликни келтириб чиқарадиган ва кўзитадиган бирон-бир омилни кўрсата олмади.

Фицпатрик бўйича тери тури ўрганилганда 4 нафар (3,7%) беморда терининг I фототиби, 15 нафарида (14,0%) – II фототиби, 64 нафарида (59,8%) – III фототиби ва 24 нафарида (22,4%) IV тури бўлганлиги аниқланди. Касалликнинг клиник босқичига кўра терининг фототиби таҳлил қилинганда ҳеч қандай фарқ аниқланмади.

Ўтказилган касалликлар таҳлили натижаси шуни кўрсатдики, 75 нафар бемордан 31 та ҳолатда (28,9%) гинекологик касалликлар, 29 нафарида (27,1%) – ошқозон-ичак тракти касалликлари, 12 нафарида (11,2%) – нафас олиш патологияси, 2 нафарида (1,9%) – юрак-қон томир патологиялари, 1 нафарида (0,9%) – асаб тизими касалликлари аниқланди, 32 нафар бемор эса ўтказилган касалликни кўрсата олмади.

Ёндош касалликлардан ошқозон-ичак тракти (44,3%), гинекологик касалликлар (12,2%) қайд этилди, асаб тизими (3,0%), юрак-қон томир тизими касалликлари (6,9%) аниқланди. Сийдик-таносил тизими патологияси ташхиси 131 нафар беморнинг 14 нафарида (10,7%) кузатилди.

Розацеанинг клиник босқичларини ўрганиш учун G.Plewig, T.Jansen, A.Kligman (2000) томонидан тавсия этилган таснифдан фойдаланилди. Ушбу таснифга кўра беморларнинг 25 нафари (23,4%) розацеанинг эритематоз-телангиэктатик босқичи, 55 нафари (51,4%) папуло-пустулёз босқичи, 21 нафари (19,6%) пустулёз-тугунли босқичи, 2 нафари (1,9%) ринофима ва 4 нафари (3,7%) стероид билан касалланганлиги аниқланди. Розацеанинг барча клиник босқичларида аёллар устунлик қилишди. Аёллар (19,6%) эркакларга нисбатан эритематоз-телангиэктатик босқич билан 5,2 баравар, папуло-пустулёз босқич билан 3,5 баравар, пустулёз-тугунли босқич билан 3,2 баравар кўпроқ касалланганлиги қайд этилди.

Шундай қилиб, розацеанинг этиологик омиллари орасида инсоляция, ҳароратнинг ўзгариши (34,6%) аниқланди, папуло-пустулёз босқичда бўлган беморларда (51,4%) кўпроқ кузатилди, беморларнинг 44,8% ида офталморозацеа белгилари ва 78,5% ида субъектив ҳиссиётлар аниқланди.

Диссертациянинг «**Шахсий тадқиқотлар натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида 101 нафар бемордаги MMP-9 (rs11697325) матрикс металлопротеиназа ва IL-10 (rs1800896) цитокини генлари полиморфизмининг молекуляр-генетик таҳлил натижалари, шунингдек, 70 нафар бемор қон зардоби ҳамда 54 нафар бемор терисининг зарарланган ўчоғидаги азот оксиди ҳолати баён этилган. Розацеа касаллиги бўлган 107 нафар беморда зарарланган ўчоқларда *Demodex folliculorum* ўрганилган.

Ўрганилган генлар аллелларининг тарқалиш частотасини ва полиморфизм генотипларини ўрганиш учун, розацеанинг клиник кечишига кўра беморлар учта гуруҳга бўлинди: эритематоз-телеангиэктатик босқичи (А-кичик гуруҳ) 25 та бемор (24,8%), папуло-пустулёз босқичи (Б-кичик гуруҳ) 55 та бемор (54,5%) ва пустулёз-тугунли босқичи (В-кичик гуруҳ) 21 та бемор (20,8%) ташкил этди.

Розацеали беморларнинг кичик гуруҳларида MMP-9 ген rs11697325 полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлар частотасидаги фарқлари ўрганилганда статистик фарқнинг аҳамиятсизлиги кузатилди ($\chi^2 < 3,8$; $p > 0,05$). Нисбий популяцион гуруҳнинг А кичик гуруҳидаги розацеа билан оғриган беморларда А аллели частотаси сезиларсиз устунлик қилди, G аллелининг частотаси эса, аксинча, шартли соғлом одамлар орасида бироз устунликка эга бўлди ($\chi^2 = 0,02$; $p = 0,9$; RR=1,0; OR=0,9; 95% CI: 0,46–1,7). А кичик гуруҳининг беморлари орасида назорат гуруҳига нисбатан А/А генотипини аниқлаш частотаси 1,1 баравар юқори бўлди ва статистик фарқ аниқланмади ($\chi^2 = 0,08$; $p = 0,8$; RR=1,1; OR=1,1; 95% CI: 0,21–6,05). G/A гетерозигота генотипининг учраши популяцион гуруҳга нисбатан А кичик гуруҳидаги беморлар орасида статистик даражада фарқ аниқланмади ($\chi^2 = 0,001$; $p = 0,9$; RR=1,1; OR=1,1; 95% CI: 0,46–2,77). G/G гомозигота генотипини аниқлаш частотаси сезиларсиз даражада бўлиб, популяция гуруҳида статистик жиҳатдан бироз юқори бўлди ($\chi^2 = 0,02$; $p = 0,9$; RR=0,9; OR=0,8; 95% CI: 0,3–2,12).

Розацеанинг папулёз-тугунли босқичи бўлган беморларнинг кичик гуруҳида MMP-9 гени rs11697325 полиморфизмининг аллел ва генотипик

вариантлари частоталаридаги фарқларни ўрганишда А ва G аллелларининг тарқалишида статистик аҳамиятли фарқлар йўқлиги аниқланди.

*Demodex folliculorum*га боғлиқ розацеа ривожланишида генетик маркерлар таҳлил қилинганда ММР–9 гени rs11697325 полиморфизмининг А/А генотипик варианты *Demodex folliculorum* ривожланишига нисбатан ҳимоя ролига эга эканлиги исботланди. Ушбу генотип ташувчиларда *Demodex folliculorum* мусбат розацеа ривожланиш хавфининг имкониятлар нисбати коэффицентига кўра 0,1 бараваргача камаяди ($\chi^2=3,8$; $P=0,05$).

Шу сабабли олинган натижалар *Demodex folliculorum* бўлган ва бўлмаган беморларнинг кичик гуруҳларида ММР–9 гени rs11697325 полиморф локуси аллел ва генотипик вариантларини аниқлаш частотасида сезиларли фарқлар йўқлиги, шунинг учун розацеанинг бирор босқичи шаклланиши ва ривожланишида ушбу локуснинг аҳамияти йўқлиги исботланди.

Кейинги босқичда розацеали беморлар ва назорат гуруҳида IL–10 гени rs1800896 полиморфизми ўрганилди. Тадқиқот натижалари орқали илк бор яллиғланишга қарши IL–10 цитокинини ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан кечадиган IL–10 гени rs1800896 полиморфизми А/А генотипик вариантнинг розацеа юзага келиши ва клиник кечишига мойил таъсирининг мавжудлиги аниқланди. Ушбу генотип ташувчиларида розацеа хавфи касалликнинг босқичига қараб 2,4 дан 4,6 мартагача ортади ($\chi^2=3,8$; $p=0,05$).

А/Г генотипининг учраш частотаси А кичик гуруҳидаги беморларда ҳам, назорат гуруҳидагиларда ҳам деярли бир хил бўлди, шартли соғлом шахслар орасида деярли сезиларсиз устунлик кузатилди, яъни мос равишда 36,0% ва 36,5% ни ташкил этди ($\chi^2=0,04$; $p=0,8$; $RR=1,1$; $OR=1,0$; 95% CI: 0,38–2,47). А кичик гуруҳининг беморлари орасида А/А генотипининг аниқланиш частотаси 8,0% ни ташкил этди, бу популяция гуруҳига нисбатан 2,3 баравар юқори бўлиб, статистик аҳамиятсиз кўрсаткич ва бу ерда унинг учраши 3,5% даражасида бўлди ($\chi^2=0,1$; $p=0,7$; $RR=2,3$; $OR=2,4$; 95% CI: 0,37–15,08).

Б гуруҳидаги розацеа билан оғриган беморлар ва назорат гуруҳида IL–10 гени rs1800896 полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлар частотасини ўрганиш натижалари А/А генотипи 2,6 баравар кўпроқ учраши назорат гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятсиз эканлигини кўрсатди ($\chi^2=1,9$; $p=0,2$; $RR=2,3$; $OR=2,7$; 95% CI: 0,62–11–93).

В кичик гуруҳ ва популяция гуруҳида А/А генотипининг аниқланиш частотасидаги фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади, аммо розацеа билан оғриган беморлар орасида ушбу кўрсаткич шартли соғлом одамлар орасида аниқланган кўрсаткичга нисбатан 4,1 марта юқорилиги кузатилди ($\chi^2=3,7$; $p=0,05$; $RR=4,0$; $OR=4,6$; 95% CI: 0,842–4,43).

Тадқиқот натижасида розацеа билан касалланган 107 нафар беморнинг 71 нафари (66,4%) ва назорат гуруҳидаги 40 нафар соғлом одамдан 13 нафарида (32,5%) *Demodex folliculorum* аниқланди. *Demodex folliculorum* 31,8% ҳолатда розацеанинг папуло-пустулёз босқичида, 17,8% ҳолатда эритематоз-телангиэктатик босқичида ва 15,9% беморларда пустулёз-тугунли босқичида аниқланди. Розацеанинг ринофима шаклида *Demodex folliculorum* барча беморларда топилган. Демак, папуло-пустулёз босқичида бўлган беморларда

*Demodex folliculorum*нинг тез-тез учраши яллиғланишнинг намоён бўлиш даражаси ва кананинг ўсиш ҳамда кўпайиши учун мос шароитлар мавжудлиги билан тушунтирилади. Пустулёз-тугунли босқичда организмнинг компенсатор-адаптив жараёнлари ишга тушиши натижасида бу кана камроқ аниқланади ёки бошқа номаълум механизмлар мавжуд бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, *Demodex folliculorum* розацеада яллиғланишнинг юзага келиши ва сақланиб қолишида зарур бўлган ташқи омил ҳисобланади, бу унинг розацеа патофизиологиясидаги патогенетик ролини кўрсатади ва терапевтик ҳамда профилактик тадбирларни ишлаб чиқишда бу фактни ҳисобга олиш керак бўлади.

Розацеа ривожланишида генетик маркерларнинг *Demodex folliculorum* билан ассоциацияси таҳлилида *Demodex folliculorum* позитив розацеа ривожланишида IL-10 гени rs1800896 полиморфизмининг А/А генотиби билан сезиларли боғлиқлик аниқланди. Ушбу генотипик вариантнинг ташувчиларида айни патологиянинг ривожланиш эҳтимоли 4 мартадан кўпроққа ортади ($\chi^2=4,7$; $p=0,03$; $RR=3,6$; $OR=4,0$; 95% CI 1,041–5,52).

Шу сабабли тадқиқот натижалари IL-10 генининг ёввойи генотипик вариантнинг мавжудлиги яллиғланишга қарши цитокин-интерлейкин синтези бузилишини (экспрессиясини) келтириб чиқаради ва юқумли агентларга организмнинг қаршилигини пасайтиради, дерматознинг турли шакллари ривожланиш хавфини оширади.

Розацеа билан касалланган 70 нафар беморда қон зардобиддаги нитратлар ва нитритларнинг метаболитлари (NO_2 и NO_3) йиғиндиси бўйича азот оксиди текширилди. Шундан 16 нафар беморда розацеанинг эритематоз-телангиэктатик, 40 нафарда – папуло-пустулёз, 14 нафарда – пустулёз-тугунчали босқичи қайд этилди. Назорат гуруҳини 14 нафар соғлом шахсларнинг маълумотлари ташкил этди. Розацеа билан касалланган 54 нафар беморда терининг зарарланган ўчоқдаги азот оксиди миқдори ўрганилди. Улардан 40 нафарига розацеанинг папуло-пустулёз, 14 нафарига пустулёз-тугунчали босқичи ташхиси қўйилди. Назорат гуруҳини терисининг соғлом қисмидан материал олинган 8 нафар бемордан олинган таҳлил натижалари ташкил этди.

Розацеали умумий гуруҳдаги беморлар қон зардобиддаги азот оксидини текшириш натижалари назорат гуруҳи билан солиштирилганда азот оксиди даражасининг ишонарли ошганлигини кўрсатди ва ўртача $16,53 \pm 0,44$ мкмол/л ни ташкил этди, назорат гуруҳида бу кўрсаткич $9,4 \pm 0,23$ мкмол/л га тенг бўлди ($p < 0,001$). Касалликнинг клиник босқичига кўра розацеали беморларда NO миқдори ўрганилганда эритематоз-телангиэктатик босқичда $13,16 \pm 0,67$ мкмол/л ($p < 0,01$), папуло-пустулёз босқичда $16,42 \pm 0,30$ мкмол/л ($p < 0,001$), пустулёз-тугунчали босқичда $20,68 \pm 1,19$ мкмол/л ни ($p < 0,001$) ташкил этди, назорат гуруҳида $9,46 \pm 0,23$ мкмол/л га тенг бўлди.

Тадқиқотни амалга ошириш давомида олинган натижалар шуни кўрсатдики, азот оксиди даражаси назорат гуруҳи билан таққослаганда статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошди ва касалликнинг давомийлиги 1 йилгача бўлган беморларда ўртача $11,97 \pm 0,68$ мкмол/л ($p < 0,05$), 1 йилдан 5

йилгача – $16,37 \pm 0,30$ мкмол/л ($p < 0,001$), 6 йилдан 10 йилгача – $17,98 \pm 0,35$ мкмол/л ($p < 0,001$), касалликнинг давомийлиги 10 йилдан кўп бўлган беморларда – $22,97 \pm 2,57$ мкмол/л ($p < 0,001$)ни ташкил этди, назорат гуруҳида бу кўрсаткич $9,46 \pm 0,23$ мкмол /л га тенг бўлди.

Розацеа умумий гуруҳидаги беморларда терининг зарарланган жойидаги азот оксидининг миқдори текширилганда, азот оксиди миқдори назорат гуруҳига ($3,29 \pm 0,11$ мкмол/л) кўрсаткичига нисбатан ишончли равишда ошганлиги аниқланди ва ўртача $12,21 \pm 0,29$ мкм/л ни ташкил этди ($p < 0,001$). Розацеа касаллиги билан касалланган беморларда терининг зарарланган ўчоқдаги азот оксидини текшириш касалликнинг клиник босқичига кўра ҳам ўрганилди. Текширилган беморларнинг барча гуруҳларида назорат гуруҳига нисбатан азот оксиди миқдорининг сезиларли даражада ошганлиги аниқланди ($p < 0,001$) ва ўртача ҳисобда папуло-пустулёз босқичлиларда $11,35 \pm 0,27$ мкмол/л, пустулёз-тугунчали босқичлиларда $14,68 \pm 0,34$ мкмол/л ни ташкил этди, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич $3,29 \pm 0,11$ мкмол/л га тенг бўлди.

Розацеа билан оғриган беморларнинг зарарланган терисидаги азот оксидининг миқдори касаллик давомийлигига кўра ўрганилганда азот оксиди миқдори назорат гуруҳида $3,29 \pm 0,11$ мкмол/л га тенг кўрсаткичга нисбатан таққосланганда статистик жиҳатдан сезиларли даражада ортганлиги аниқланди ва касалликнинг давомийлиги 1 йилгача ўртача – $9,68 \pm 0,78$ мкмол/л ($p < 0,05$), 1 йилдан 5 йилгача – $11,86 \pm 0,35$ мкмол/л ($p < 0,001$), 6 йилдан 10 йилгача – $12,89 \pm 0,49$ мкмол/л ($p < 0,001$), касаллик давомийлиги 10 йилдан кўп бўлган беморларда $14,28 \pm 0,82$ мкмол/л ни ташкил этди ($p < 0,001$).

Шундай қилиб, розацеада азот оксиди ишлаб чиқарилиши умумий ҳамда маҳаллий даражада бузилиши аниқланди, касалликнинг пустулёз-тугунли босқичида ва давомийлигига боғлиқ ҳолда яққол ошиши кузатилди. Розацеанинг пустулёз-тугунли босқичида азот оксиди миқдорининг ошиши бириктирувчи тўқиманинг структур ва эндоген интоксикацион яллиғланиш деградация натижаси бўлиб, асосан, азот бирикмаларининг кучли парчаланиши ҳисобига ривожланади.

Диссертациянинг «**Розацеани даволаш усулини биокимёвий ва клиник-генетик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш**» деб номланган бешинчи бобида розацеа билан касалланган беморларни даволаш натижалари батафсил баён этилган.

Ушбу бобда тадқиқот натижаларига кўра розацеа билан оғриган беморларда даволашнинг такомиллаштирилган усули самарадорлиги ўрганилган. Белгиланган даволашга турига кўра барча 107 нафар бемор таркиби (ёши, жинси, касалликнинг оғирлик даражаси) бўйича бир хил бўлган икки гуруҳга бўлинди ва розацеанинг клиник босқичлари ҳамда олинган давоси бўйича тақсимланди. Беморларнинг биринчи гуруҳи дерматовенерология бўйича текширув ва даволаш стандартларига (2017) мувофиқ даволанган 52 нафар бемордан иборат бўлди. Иккинчи гуруҳдаги беморлар (55 нафар) стандарт терапия фонида мексидол таблеткасини (125 мг) қабул қилишди, зарарланган жойга ташқи 0,02% ли декаметоксин эритмаси сурилди ва интенсив импульсли ёруғлик манбаи (IPL) қўйилди.

Келтирилган жадвалга кўра биз таклиф қилган усул бўйича даволаш патоморфологик элементларининг тез сурилиши ва уларни эртароқ бартараф этишга олиб келди (1-жадвал).

1-жадвал

**Даволанишдан кейин гуруҳлар ўртасида
клиник самарадорликни таққослаш**

Гуруҳларнинг тақсимланиши	Юздаги шиш	Папулалар, пустулалар ва тугунларнинг сўрилиши бошланади	Телеанги-эктазия	Папулалар, пустулалар ва тугунларнинг йўқолиши
Биринчи гуруҳ	7–8-кун	14–16-кун	Сақланиб қолди	25–26-кун
Иккинчи гуруҳ	5–6-кун	10–12-кун	Камайди	20–21-кун

Биринчи гуруҳда беморларнинг 13,1% ида, иккинчи гуруҳда эса 23,4% ида клиник соғайиш кузатилди ва бу кўрсаткичлар статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилди ($p < 0,05$). Биринчи гуруҳда сезиларли яхшиланиш – 19,6%, иккинчи гуруҳда – 22,4% қайд этилди ва бу маълумотлар статистик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмади ($p > 0,05$). Биринчи гуруҳда 15,9%, иккинчи гуруҳда 5,6% беморларда яхшиланиш кузатилди ($p < 0,01$). Иккала гуруҳда ҳам касалликнинг кучайиши кузатилмади.

Олинган маълумотларнинг объективлигини баҳолаш учун даволашдан сўнг ҳар бир гуруҳда розацеани диагностик баҳолаш шкаласидан (РДБШ)дан фойдаланилди. Ушбу шкалага мувофиқ, беморларнинг биринчи гуруҳида, даволанишдан олдинги РДБШ кўрсаткичи $9,1 \pm 0,39$ баллга тенг бўлса, даволашдан сўнг 1,75 марта пасайиб, $5,2 \pm 0,21$ баллни ташкил этди ($p < 0,001$). Беморларнинг иккинчи гуруҳида РДБШ кўрсаткичи $9,4 \pm 0,41$ баллдан (даволанишдан олдин) $2,2 \pm 0,27$ гача (даволанишдан кейин), яъни 4,3 баравар камайди ($p < 0,001$).

Иккала гуруҳда ҳам терапиядан сўнг касалликнинг клиник ремиссияси давомийлиги таҳлил қилинди. Унга кўра стандарт даво олган беморларда клиник ремиссия 6 ойдан кўпроқ давом этди ва ўртача 7,1 ойни ташкил этди. Тавсия қилинган даво усулини қабул қилган беморларда эса клиник ремиссия 8 ойдан кўпроқ давом этди ва ўртача 9,7 ойни ташкил этди.

